

2019 йил 11-декабр

“Карбонат ангидрид ишлаб чиқариш” инвестицион лойиҳаси амалга оширилади



“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида 2019 йил 10 декабрь куни “Air Products” (АҚШ) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида “Навоийазот” АЖ базасида “Карбонат ангидрид (CO₂) ишлаб чиқариш” инвестицион лойиҳаси доирасида қўшма корхона тузиш муҳокама қилинди. Лойиҳа доирасида шунингдек, лойиҳанинг техник, молиявий, иқтисодий томонлари (деталлари) ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида янги, энергия самарадорлиги юқори бўлган юқори сифатли, карбонат ангидрид маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхона вужудга келади. Маҳсулотнинг асосий қисми республикада маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжни тўла қопланишига эришилади ва экспортга йўналтирилади. Асосийси 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Лойиҳа 2020-2021 йилларда амалга оширилади ва қуввати йилига 120

минг тн.ни ташкил этади.

Лойиҳанинг тахминий қиймати 15,4 млн. АҚШ доллари. Керакли майдон
- 20 x 30 м = 600 м² , баландлиги- 14 м., ҳажми - 8400 м³. Агрегатнинг энергия исътемоли
қуввати - 3,6 МВт. IRR - 11%.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/carbon-dioxide>